



## РАҲМАТНОМА

Ички ишлар вазири В. Камоловга Ўзбекистон ССЖ халқ ноиб Жўрамирза Муродовдан мактуб келди. Унда ички ишлар идоралари ходимлари шаънига илқ гаплар айтилган. Мактуб мазмунини қуйида тўлиқ келтирамиз:

«Хурматли Вячеслав Мухторович!

Кейинги пайтда милиция ходимлари тўғрисида ҳар хил гаплар юрибди. Мен бу хатимда ўзим гувоҳи бўлган ҳодисалар ҳақида фикр билдирмоқчиман. Шу йил 18-19 май кунлари бизнинг Янгиқўрғон туманимиз аҳолиси анча ташвишли лаҳзаларни бошидан ўтказди. Бўлиб ўтган жала, дўл, сув тошқинлари оқибатида қишлоқларнинг кўпчилиги фуқаролари каттагина моддий зарар кўрдилар. Агар туман ички ишлар бўлими ходимлари ўз вақтида зарур чора-тадбирларни кўрмаганларида, балки янада кўпроқ талофат

етказилармиди, билмадим.

18 май куни кечкурун соат 20 лардан кейин жуда кучли ёққан ёмғир оқибатида сел кела бошлади. Бу воқеадан биринчилардан бўлиб хабар толган туман ички ишлар бўлими ходимлари ёрдамга шошилдилар. Улар сел босиши мумкин бўлган Ғозовон, Шўркент, Хўжа Шўркент қишлоқлари, Туман маҳалласи аҳолисини ушбу ҳодисадан хабардор этдилар ва фуқароларни хавфсиз жойга кўчириш, сув ювиб кетган ариқ ҳамда зовурларни ўз йўлига солишда, фуқароларнинг, шунингдек давлатнинг мулкани ёмон ниятли одамлардан қўриқлашда фаол қатнашдилар. Кеч тушиб қолгани учун баъзи жойлардаги йўллар жуда хавфли аҳволга тушгани сабабли

бундай ерларда милиция ходимлари тонгача қўриқчиликда турдилар. Осойишталик посбонларининг ҳатти-ҳаракатлари туфайли сел ювиб кетиши мумкин бўлган Шўркент қишлоғи ва унинг марказида жойлашган хўжалик моллари дўкони ҳеч қандай талофат кўрмади.

Шу ўринда бу ишда фаол қатнашган милиция ходимларининг исм-шарифларини келтирмоқчиман. Булар Янгиқўрғон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи милиция подполковниги Тошмамат Ботиров, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи милиция майори Маҳмуджон Гавҳаров, баҳолатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекция бошлиғи милиция катта лейтенанти Раҳматжон Хожиакбаров ва участка вакили милиция

капитани Муҳаммаджон Солиев, ДАНБ бошлиғи милиция катта лейтенанти Тоҳиржон Уринбоев, ДАН инспектори милиция лейтенанти Нўъмонжон Қаландаров, участка вакили милиция катта лейтенанти Мухторжон Дадабоевлардир.

Ушбу ҳодисалардан кейин туманимиз аҳолиси милиция ходимларига нисбатан жуда катта ҳурмат билан қарай бошладилар. Яқинда фуқаролардан кўпчилиги менинг ёнимга келиб, ўзларининг миннатдорчиликларини Сизга етказишимни сўрашди. Ана шу сабабдан Сизга мактуб йўллаётирман, агар иложи бўлса, юқорида номлари тилга олинган милиция ходимларини рағбатлантирсангизлар, нур устига нур бўлур эди.

Сизга камоли эҳтиром билан:

**Жўрамирза МУРОДОВ,**  
274-Бирлашган сайлов мавзесидан Ўзбекистон ССЖ халқ ноиб.

## ҲАҚОРАТНИНГ БАҲОСИ

Фарғона шаҳар ИИБ терговчиси милиция катта лейтенанти Асқад Абдуллонов ёғ-мой комбинати коммунал хўжалиги паспорт бўлими ходимаси Камоловани хизмат юзасидан ишхонасига тақлиф этганди. Лекин фуқаро Камолова уни тергов давомида ҳам, кабинетдан ташқарига чиққанларида ҳам, бошқа фуқаролар олдида ҳам ҳақоратлаган.

Халқ суди бу аёлнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларини кўриб чиқиб, 400 сўм жарима тўлашга мажбур этди.

## ДАРОМАД ШАХСИЙ ТАРКИБНИКИ БЎЛАДИ

Ёзёвон тумани ИИБ ходимлари катта ишга қўл урдилар. Навоий номли давлат хўжалиги ҳудудидан 12 гектар ер ажратиб олинди, 4 минг туп мевали дарахт кўчатлари, майдон чеккаларига эса 40 минг дона терак қаламчалари экилди. Бундан ташқари шу ердан ўтган зовурда 11 минг дона сазан балиғи боқилмоқда.

— Шартномага кўра йилга хўжаликка 100 тонна тарвуз етиштириб беришимиз керак, — дейди ИИБ бошлиғи милиция полковниги Раҳматжон Мирзаев, — бодан олинган даромад эса шахсий таркибники бўлади.

**М. КИМСАНБОВ.**

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ички ишлар бўлимида ўз хизмат ваъзасига сидқидилдан ёндошадиган милиция ходимлари кўплаб топилди. Ана шу ишлардан бири патрул-пост хизмати маҳаллий бюджет ҳисобиди (муниципал) рота командири милиция капитани Р. Исмаиловдир. У ўзига бириктирилган участкада соғлом муҳит яратгани учун ҳам аҳоли ҳурматини қозongan.

Суратда: милиция капитани Р. Исмаилов навбатдаги топшириқни бермоқда.

**С. МУСАЕВ** олган сурат.

## ЎЗНОМАЛАРНИ ҲАҚИ...

Шу йилнинг 24 июнь куни босмадан чиққан «Ишонч» ҳафталик ўзномасини варақлар эканман, унинг 9-саҳифасидаги «Бизда қанча террорчи бор!» мақоласига кўзим тушди. Ундан парча келтирмоқчиман: «Совет Иттифоқида ғайриқонуний тузилмалардаги кишилар сонини 30 мингдан ортда. Уларнинг қўлларида 5,5 минг қиқма қуроллар бор. Кейинги пайтларда жангариларнинг ўзлари асаган портловчи қуроллардан фойдаланишлари кенг тус олмоқда».

Эртаси куни, яъни 25 июнда «Постда» ўзномасидаги «Иш меъёри белгиланмаган» мақоласини ўқиб қолдим. Унда баён этилган баъзи муаммоларга қўшилман. Биз фақат бирлашганимиздагина, ҳамкорликда иш олиб борганимиздагина жиноятчиликнинг пайини қирқишимиз мумкин. Унинг далили сифатида бир суҳбатни ҳавола этмоқчиман.

Икки йилнинг узук-юлук гаплари менга эшитилди.

— Юр, Сирғалига борамиз. Уша ерда «овимиз» юришадим.

— Қўйсанг-чи... Иккинчи у ёқларга қадам босмайман. Тунов куни бир автобус одам орқамдан қувлаган. Сал қолганда ушлаб, бурда-бурда қилиб ташлашарди.

— Йў-э... Қандай қилиб сездириб қўйдим.

— Э... Худди тайинлаб қўйилгандек, дарров билиб қолдим.

Кўрдимизми кўпчиликнинг кўчинини. Энди ўғри у томонларга бормаслиги аниқ. Бунга эса сиз билан бизнинг хушёрлигимиз сабабчи бўлган. Қани энди ҳаммамиз ҳам шундай иш тутсак.

Тўғри, баъзилар қуролланган босқинчиларга қандай бас келиб бўлади, деб эътироз билдиришлари мумкин. Агар биз хушёр, зийрак бўлсак, қўни-қўшилларимизни танисак, имон, диниятимизни йўқотмасак, ўзлимизни унутмасак, қонуни ҳимоячиларига қўлимиздан келган ёрдамимизни берсак, жиноятчиликнинг илдизи қурийди, албатта.

**М. ҲАКИМОВ.**



Мен Бекобод туманида яшайман. Менинг турмуш ўртоғим милиционер. У ҳам қишлоқдан. Шу ўринда мен Дилфузага икки оғиз ачиқ гап айтмоқчиман. Дилфуза, сиз қишлоқ, милиционерни ёқтирмаган экансиз, дилнигиздаги дардини икки йилгача сақлаш шартмиди? Сиз ўта маданиятсиз экансиз.

Равшан, сизга эса гапим шуки, бир қизнинг енгилтак севгиси учун беҳуда ўртанманг. Ҳали ҳаётингизда севиқли, соҳибжамол уй бекасини учратишингизга ишонаман.

**Фароғат ШУКУРОВА.**

Ўзноманинг 25 июнь сонидида «Дилфуза нега севгимни рад этди?» сарлавҳали кичиккина бир мақолани ўқиб, ниҳоятда ҳайратландим. Ҳеч ўзимга келолмайман. Наҳотки, ҳозир ҳам одамларни қалбига қараб эмас, қаердан эканлигига, касби нима эканлигига қараб баҳолай-



## «ДИЛФУЗА НЕГА СЕВГИМНИ РАД ЭТДИ?»

диган тушунчаси тор қизлар бўлса?!

Турмуш қурганимга 11 йил бўлди. Худога шукур, 4 нафар фарзандимиз бор. Турмуш ўртоғим ўшанда милиция старшинаси эдилар, 70 сўм маош олардилар. Энди эса унволлари капитан. Мен уларни ўша пайтда ҳам қаттиқ ҳурмат қилардим, ҳозир ҳам.

Равшанжон, сиз сира тушқуликка тушманг. Милицияни кимлар ёмон кўради? Ноқонуний иш қиладиганлар. Эҳтимол, Дилфуза ҳам ўша тоифага мансубдир. Агар шундай бўлса, ҳайф сизнинг унга нисбатан соф муҳаббатингиз.

**Шаҳодат ТУРОВОВА,**  
Наманган тумани, Хонобод қишлоғи.

Уғлим Равшан!

Жуда тушқуликка тушиб қолибсиз. Бу йилги кишига, қолаверса, милиция ходимига мутлақо ярашмайди. Сизнинг қалбингизни яралаган Дилфузани уйримда кўрмаганман. Эҳтимол, чиндан гўзалдир. Лекин ички дунёси гўзал бўлмаган сулувни гўзал деб бўладими? Йўқ! Шунинг учун Дилфузани Дилбузар деб аташга журъат этдим. Қишлоқлик бўлганингиз учун ўксиманг, қайтанга фахрларинг. Чунки сиз эрта баҳордан ерга тикилиб, ҳосил ундирётган ва Дилфузаларини боқайтган деҳқон фарзандисиз.

Милиция ходими бўлганингиз учун икки ҳисса мағрур бўлинг. Чунки ҳақиқий эрақ кишига хос касбини танлагансиз.

Уғлим Равшан! Ешми 83 дан ошди. Насихатларинга қулоқ тутинг. Ҳеч қачон сирти келинган, ичи ниҳоронги қизларга қўнғил қўймаг. Қуяси фақат. Умр савдосини ҳал этишда шошилманг. Ҳамма нарса олдингизда. Ниятингиз пок бўлса, келажакда ҳусиди ҳам, ақлда ҳам Дилфузадан устун қиз васлига эришасиз. Ушанда мени ҳам тўйга тақлиф қилинг.

**М. СОДИҚОВ,**  
Наманган шаҳри, 2-Янги-ариқ кўчаси, 7-уй.

# МЕҲР ҚУЁШИ

«МЕН ЕТИМНИНГ КАФИЛЛИГИНИ ОЛГАН ОДАМ БИЛАН ЖАННАТДА БИРГА БУЛУРМАН».

(Пайғамбар ҳадисларидан).



расини ёд этиб ўтиришарди бу ерда.

Орамиздан меҳр-оқибат тобора кўтарилаётган айни пайтда туман ИИБ ходимларининг бу тадбирлари меҳр-оқибат, диёнатни қайта топганимиздан далолат.

Бу маросим марҳумларнинг туғилганлари армонларига малҳам бўлолмас, уларга мурувват қилиб берилган совғалар ҳеч нарса эмасдир. Лекин бу ерда туғилган оқибат, меҳр мангу қолади.

Туман ИИБнинг яқинда тайинланган бошлиғи милиция майори Нуриддин Аҳмедовнинг ҳаяжонга йўрилган сўзлари барчани ларзага солди.

— Бугун хотирасини ёдга олаётган сафдошларимизнинг

яқинлари масъулиятсизлик, лоқайдлик кулфатини тортганлар, азият чекканлар — бу сир эмас. Муҳаммадалининг беваси Ҳимоятхон тўрт нафар фарзандига нафақа олиш учун ИИБ оstonасига бир неча марта сарғайиб келди. Аммо унга инсоний муносабатда бўлдимми? Унинг ўксик қалбига мурувват билан таскин беролдикми? Арзига қулоқ тутиб, мушкулни осон қилишга ҳаракат қилиб кўрдикми?

Шарифжон Пулатовнинг укаси Валижон акаси ўрнини босиш учун ишнини Тошкентдан Бувайдага кўчириш учун ҳазилакам елиб-югурмади. Бироқ ҳар сафар унинг боши лоқайдлик деб аталган деворга урилаверди. Кейин ҳафсаласи пир бўлиб, ҳаммасига қўл силтади. Бу йигитнинг бошқа ишга ўтиб

ҳумларни яқиндан билганларнинг хотиралари меҳр-оқибатга, инсонийликка даъват бўлиб янгради.

Кеча ниҳоясига етди. Одамлар тарқалаёпти. Мен эса қалбда ҳаяжон билан уларни кузатаман. Йўқ, улар тарқалишмаяпти. Балки бирлашиш, бир-бирларига оқибатли бўлиш, жипслашиш учун кетишмаяпти. Зеро, бу ишдан мурод ҳам шу эди.

Шуларни ўйларканман, ҳаёлимга беихтиёр шоир Эркин Воҳидов қаламига мансуб мана бу сатрлар келди.

Инсон билан тирикдир, инсон, Муҳаббатдан ҳаётнинг боши. Одамзодга бахш этади жон Одамларнинг меҳр қуёши.

Акрам УМАРОВ, милиция майори.

Июль ойининг бошлари. Кун бениҳоя қизиган. Ҳатто соя-салқин жойларда ҳам қуёш тафтидан лоҳас бўласиз. Шундай кунларнинг бирида Бувайда туманида бир хабар тарқалди. «Шанба кuni соат 14 да Киров номли жамоа хўжалигида бевафот вафот этган икки милиционер хотирасига бағишланган кеча ўтказилармиш».

Буни эшитганлар нима дейишгани, қандай ҳаёлга боришгани бизга қоронғу. Аммо белгиланган вақтда бор сари қадам босганлар беихтиёр чўк тушиб ўтиришди. Чунки бу пайтда қуръон тиловат қилинаётганди. Айримлар марҳум милиция ходимларининг хизматлари шу қадар каттами, деб сўрашди. Бунинг нима аҳамияти бор? Бу тадбир нафақат марҳумлар, балки тириклар учун ҳамдир. Шундай бўлсада, бевафот умри хазон бўлган йигитлар билан таништиришимиз мумкин. Муҳаммадали ва Шарифжонларнинг таржимаи ҳоли, ёшларида бир оз фарқ бўлсада, уларнинг қисматлари кўп жиҳатдан бир-бириникига ўхшаш. Ҳар иккиси милиционерлик фаолиятини Тошкент шаҳрида бошлаб, кейин ўзлари туғилиб ўсган туманга ишга келишган. Муҳаммадали 1983 йилда, Шарифжон эса 1989 йилда вафот этган. Агар улар ҳаёт бўлишганида, Муҳаммадали 37, Шарифжон 31 ёшга кирарди.

Фарзанд доғида қадди букчайган Муҳаммадалининг волидаси Холинисо буви, Шарифжоннинг ота-онаси Жалолдин ака ва Турғуной опалар нордек ўғилларининг, Ҳимоятхон ва Насибaxonлар умр йўлдошларининг, Жаҳонгир, Ёдгорой каби норасидалар дадаларининг хоти-

## ВАРЗИКДАГИ ХОЖАТБАРОРЛАР

Чуст туманида миш-миш гап тарқатилди: «Варзик қишлоғидаги Салимжон Мирғоипов шахсий дўкон очибди!» Кўп ўтмай бу миш-мишлар янгилари билан бойиди. Унинг дўконига хоҳлаган пайтда спиртли ичимликнинг туридан харид қилиш мумкин. Бироқ баҳоси...

БХСС вакиллари бу миш-мишларни текшириб кўрмоқчи бўлишди. Аксига олиб, «хўжайин» йўқ экан. Лекин унинг хотини М. Валиева ҳожатбарорликда эрдан қолишмас экан.

— Узоқдан келибсизлар, қуруқ қайтариш мусулмончиликка тўғри келмайди, — деб мижозлардан бирига икки шиша рус ароғини 30 сўмга пуллаётганда қўлга олди. Тинтув пайтида унинг уйдан 580 шиша «Жасорат» виноси, 153 шиша «Рус ароғи» ва беш шиша шампан виноси топилди.

Эҳтимол, рўзнома ихломандларини: «Ҳожатбарорлар шунча нарсани қаердан топишган?» — деган савол ўйлантираётгандир. БХССчилар бунга ҳам жавоб топиб қўйишган. Кўр кўрни қоронғуда топади, деганлар. Хонадон соҳиб шунча нарфани ундириш учун Наманган шаҳар озиқ-овқат савдоси идорасига қарашли 65-дўкон мудири Зокиржон Валдиева 582 сўм «совға»ни енг учидан узатди.

Энди шиша шайдоларига бир гапни етказиб қўйишимиз лозим. Нафс хуруж қилганда, Варзикка бориб овора бўлманг. Қўлбола дўкон тугатилган!

М. НЕЪМАТОВ.



Сиз суратда кўриб турган бу серган нигоҳли йигитлар Андикон шаҳар ИИБга қарашли муассасадан ташқари кўриқлаш бўлимида хизмат қилишарди. Туман комсомол кўмитасининг йўлланмаси билан эгиларига милиция формасини кийган милиция сержантлари Комилжон Абдурасулов ва Маъмуржон Исоқовлар ўзларининг фаол хизматлари билан жамоа орасида обрў-эътиборга сазовор бўлмоқдалар.

Б. КЛЕЙМАН олган сурат.

## ОЗОДЛИКДА ИККИ ЙИЛ

Собир Раҳимов тумани Зарқайнар кўчасида юз берган жиноят ҳақидаги шум хабар ИИБ ходимларини оёққа турғизди. Кўрилган тезкор чораларга қарамай жабрдийда касалхонага етмасданок ҳаёт билан видолашди. Жиноятчини қўлга олиш учун бутун кучлар сафарбар этилди. Қотил тошкентлик Р. Абдусайдов бўлиб, муқаддам икки марта безорилиги, икки

бор ўғирлиги учун қамалиб чиққан экан. Равшан марҳум Абдуқодир билан бирга ичишади, сўнгга арзимас нарса устида гижиллашиб қолишади. Гап кўтармас, жиззакчи Абдуқодир ёнидан пичоқ чиқариб, Равшанга ташланган. У эса чап бериб, пичоқни қўлидан тортиб олади-ю, Абдуқодирнинг ўзига бир неча марта зарб билан уради.

## ИЛИҚ СЎЗИМ БОР ФИДОЙИЛАР КЎПАЯВЕРСИН

Зомин тумани ички ишлар бўлимида ўз касбининг фидойилари кўп. Улар ҳақида туман халқи доимо фахрланиб гапирарди. Бунинг сабаблари кўп. Чунки осойишталик посбонлари, айниқса, кейинги даврларда халқ билан бирга бўлишга, уларнинг фикр-ўйларини тезроқ англаб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам сўнгги пайтларда туманда жиноятчилик мумкин қадар пасайди, турли хил қонунбузарликлар содир этилиши камайди.

Шу ерлик бўлганим учун ҳам ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажариб келётган милиционерларни яхши танийман. Булар — туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция капитани Йўром Тошбоев, участка вакили милиция капитани Сангир Хўжабеков, милиция катта лейтенанти Қаршибой Йўлдошев, ДАНБ ходими милиция старшинаси Аҳмад Худойбердиев, балогатта етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекция ходими милиция капитани Ма-

матқул Аҳмадқулов, соқчилик бўлимаси ходими милиция сержанти Азизқул Умнатқуловлар. Масалан, милиция капитани С. Хўжабеков номини бекорга тилга олмайди. Сангир ака ўзига бириктирилган Галлакор қишлоқ Кенгаши ҳудудида истиқомат қилувчи ҳар бир оила билан мунтазам алоқа боғлаган. Илгари судланганлар, гиёҳвандлар, оиласи нотинч бўлган кишилар, бекорчилар унинг назорати остидадир. Бундан ташқари участка вакили ўз атрофига фаол ёшларни, ҳурматли оқсоқолларни бириктирган. Шу тўғрисида у хизмат қилаётган участкада ўғирлик, безорилик ҳоллари деярли учрагани йўқ.

Ҳар бир осойишталик посбони ҳақида истаганча илиқ сўзларни айтавериш мумкин. Энг муҳими улар айни пайтда ўз вазифаларини кўнгилдан чиқариб адо этмоқдалар. Халқимизга эса ана шундай фидойилар керак.

Илҳом ЮНУСОВ.

Собир Раҳимов тумани халқ судининг раиси Қ. Сиддиқов айбдорни ЎзССЖ ЖМнинг 88-моддаси «в» бандига асосланиб, 6 йил муددатга озодликдан маҳрум этди ва бешинчи гал судланаётган Р. Абдусайдовга «алоҳида ҳавфи рецидивист» деган тамғани босиш ҳақида ҳужм чиқарди.

Шундай қилиб «Спектор» ширкатининг тикувчиси Р. Абдусайдов озодликда икки йилгина юриб, яна тутқунликка юз тутди. Холмуҳаммад МУИДИНОВ.

# ҚУЛОҚ ЭШИТМАГАН ВОҚЕА

Вячеслав ТАРАНЧЕНКОВ

Березовск бўйлаб ваҳима-ли миш-миш изғиб қолди. Ички ишлар бўлимидагилар эса ҳайрон. Чунки ваҳиёна жиноят ҳақидаги дув-дув гап шаҳар тинчини бузсада, негадир жабранувчилардан дарак йўқ эди. Бироқ кўл қовуштириб ўтириб ҳам бўлмайди. Шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг оператив ишлар бўйича ўринбосари милиция подполковниги В. Таскаев жиноят қидирув бўлини маси бошлигини ҳузурига чорлади.

— Владимир Анатольевич, бор йигитларингни битта қолдирмай олгинда, посёлкаларга жўнат. Жамоатчи фалоларни ҳам жалб қил.

Милиция майори В. Рухтин бу фикрга қўшилди. Лекин унинг изкуварлари ишга киришишга улгурмасларидан шаҳар ИИБга бир қиз кириб келди. Унинг сўзларини тинглаган навбатчи дарҳол жиноят қидирув бўлини маси (ЖҚБ) билан боғланди.

Опервакил И. Зякин милиция ходимлари ичида биринчи бўлиб даҳшатли ҳодисадан воқиф бўлди.

— Дутонам бошига қуфат тушди. Қўрқанидан остона ҳатлашга юраги бетламаяпти. Бор ҳақиқатни мен айтиб бераман, фақат ўша палидларни топингла.

Абжағи чиққан «Москвич-407» гўё эгариде ўтирган чавандозлари тортган шарабдан гарангдек қулбалар оралиғидан силтаниб ўрмаларди. Ноҳянинг суякни зирқира-тадиган аёзли тунги тенгдош дўстлар Сергей Воложанин ва Владислав Сорокин ҳовурини туширолмасди. Улар кечки оқшомданоқ «оловли сув»дан тўйиб отиб олишгач, зог ҳам учмайдиغان пайтда мақсадсиз тенгираб юришарди. Ўзларининг яқин ўтмишдаги «қахрамонлик»ларини ҳавас билан эслашарди. Зонадаги қилиқлари ҳақида лаби-лабига тегмай мақтанларди. Сергей РСФСЖ ИМнинг 108- Владислав 218-моддаси билан «ўтириб» чиққан.

Беҳуда гап сотиш ҳам жонга теккач, Сорокиннинг миясига антиқа фикр урилди.

— Бас қил, Серий, эмалякни. Танька эсингдами? Логовойлик бор-ку?

— Э, уйига киргизардимиз? Худо билади, донг қотиб ётгандир?

— Таваккал.

Шўрлик қиз таниш овозга эшикни очиб ўзини не балага гирифторм эртаётганини ҳис қилмади. Фақат қичқиришга улгурди:

— Вой, маст экансизлар-у, жўванглар!

Афсус, кечикди. Йигитлар уйга бостириб киришди. Оч нигоҳлари юмшоқ ўринга қадалиб, кўллари ўз-ўзидан қизнинг эғиндаги енгил кийимга югурди.

— Серий, уни маҳкам ушла!

— Қўйиб юборинглар, аблаҳлар, нима қиласизлар?

Киприк қоққунча бўлмай тунги либос полга учиб тушгач, Сорокин Таяни даст кўтариб, каравотга илтидди. Худди шу пайт қўшни хонада ухлаб ётган укаси ўйғониб қолди. Успириш опасига ёрдамга отилди-ю, бироқ Воложанин уни эшикдан нарига ўтказмади.

— Сен қаёққа, болакай?

Ва кейин томоғидан бўга бошлади. Таян тобора сўниб бораётган хириллашни эшитиб, тақдирга тамоман тан берди.

Воложанин оғайнисидан кейин тўшакдан кўтарилаётганда, Сорокин мўрдани ос-

тона томон судрарди. Бир-галикда жонсиз гавдага куртка, жинси шим кийгизишди. белига мактаб дафтарини қистириб қўйишди. Номуси йиртқишларча топталган қизга ўшқаришди:

— Чурқ этмайсан. Бўлмаса сенинг ҳам бошингга уқангнинг кунини соламин. Сўрашса, укам узоқ қариндошимизнигина кетган, деб айтгин.

Логовойдаги қулба бахтсизликдан баттар ерга чўккандай туюлади. Ҳаётнда озмунча воқеалар гувоҳи бўлмаган Сергей Павлович Бабинин жабранувчи билан суҳбатни боғлаган ипни аранг тутиб турарди.

Қиз қалт-қалт титрарди. Нукул ўзини уйнинг бурчига урарди. Зякин ва Таскаев унинг не азобда тилга олган ҳар бир сўзини вуждлари қулоққа айланиб тингашарди.

— Тунги соат икки... Қўлимни мана бу ерда қайиришди... Дима қичқирди... Унга Сергей ташланди... Мен аввал Сорокин эзгиларди...

Милиция ва прокуратуранинг тергов-оператив гуруҳи битта-биттадан тунги жиноят тафсилотини тиклади ва ҳужжалаштирди.

Воложанинни ишхонасида қўлга олишди. Унинг ҳайдовчи-шериги Сорокин йўлда эди. Сорокинни кутишга ва уни чўчишиб юбормаслик учун юз бермаган воқеани тўқшишга қарор қилишди. Хотинига эри яқинда қира қилгани учун милицияга таклиф этиляпти, деб айтишди.

Балоғатга етмаган Н. Татьянанинг номусига зўрлаб теккани учун қамоқда ўтирган Воложанинни Таскаев ва Рухтин сўроқ қилишди. Пихини ёрган Сергей эрдан кечгача бир гапни зўр бериб такорларди:

— Ҳеч нарса билмайман. Кундузи ичиб, кейин уйда ухладим.

Хонага Игорь Зякин қиё боқди:

— Владимир Васильевич, бир дақиқага мумкинми?

Таскаев тунқинхона йўлагига чиқди. Опервакил қисқача ахборот берди:

— Сорокин шу ерда.

— Ҳаяжонланаяптими?

— Сезилар-сезилмас. Афтидан ҳеч нарсадан шубҳаланаяптими йўқ. Хали ҳеч ким билан учрашишга улгурмаган. «ЗИЛ»ида тўппатўғри ИИБга келган.

— Уни қўшни хонага киритиб, эшигини очиқ қолдинг.

Воложанин эса ҳамон оёғини тираб турарди. Таскаев даб-дурустдан уни тилга киритиш осон эмаслигини тушунарди.

— Уртоқ майор, буйруқ беринг, — подполковник Рухтинга мурожаат қилди, — ҳибса олингани камерага қўйишсин.

Мўлжал тўғри чиқди. Сорокин оғайнисини милиционерлар қуршовида кўргач, аъзойи бадани титраб, шундоққина опервакил кўз ўнгига адоён тамом бўла бошлади. Опервакиллар янглишмаган эдилар: Сорокин қислатига кўра Воложаниндан анча бўш эди. Иккаласи Н. Татьянанинг номусига зўрлаб тегушгани ва укаси бўғиб ўлдирилгани ҳақидаги иқрорни эшитган жиноят қидирув ходимлари Сорокин сўроғини танаффуссиз давом эттиришди.

— Боланинг мурдасини нима қилдиларинг?

— «Москвич»имга ортдик.

— Қаерга ташладилар?

— Сўралаётганга нафасини



ростлашга йўл қўймаган Рухтин қўшилди.

— Воложанин: «Қорақўлга чўктирайлик, у ер хилват жой, ҳеч ким тополмайди».

— деди.

— Кўрсата оласизми?

— Ҳа.

Воложанин биллақ гаплашиш учун Владимир Анатольевич қолди. Подполковник Таскаев бошлиқ бир гуруҳ оператив ходимлар эксперт-криминалист ҳамроҳлигида кўл томон йўлга тушишди.

Кўл бежизга бундай номланмаган кўринади. У айнан сир сақлаш учун яратилгандай туюлади. Сатҳи анчагина катта, теварагидаги ўтлоқзорни сув босган. Чор атрофи тепалик, ўрмон. Анча нарида ердан баланд кўтарилган катта йўл ўтган.

Сорокин адашмай борарди. Саёз жойга бармоғини ниқтади.

— Шу ерда. Чўктириш учун тошни анави ердан олдик.

Жасадни бир неча дақиқада топишди. Жинси шим тасмасидан варақлари ёпишиб, ўқувчининг исм-шарифи ювилиб кетган дафтар чиқиб турарди... \* \* \*

Қорақўлни кўздан кечириш ҳужжати билан танишган Сергей Павлович Бабинин Воложанинни сўроққа олиб келиш учун соқчиларни чақирди.

Бироқ хонага тутқин ўрнига дод солиб номалўм фуқаро отилиб кирди.

— Менинг хотиним қани? Жавоб беринг!

— Кимсиз ўзи?

— Егоровман. Мен халқ ҳўжаллигида ҳазо мўддатини ўтаяман. Юракдан чиқариб ишламоқдаман. Махсус комедататура бошлиғи хотиним билан учрашувга рухсат берганди. Бирга икки кун бўлдик...

Ҳозиргина Егоров ёган аризани Бабинин овоз чиқариб ўқигач, Таскаев бошини чангаллади, Рухтин ўтирган курсисидеа қотиб қолди. Рафиқасининг дом-дараксини йўқолишида у... Сорокинни айбларди.

— Хотинингиз қаерда ҳозир? Балки уйга қайтгандир?

— Қайтмаган, мен Новосибирскдаги ота-онамга телефон қилдим, — деб жавоб

берди ўзини биров босиб олган Егоров.

— Уни ўзингиз кузатиб қўйгандингизми?

— Албатта.

— Ундай бўлса, нима воқеа юз берганини сўзлаб беринг.

\*\*\*

Темир йўл бекатига аёл автобусда етиб олиши керак эди. Эр чамалаб кўрса, хотини поездга кечкиши мумкин. Едига тушганидан қувониб кетди: ахир, унга таниш ҳайдовчи бор-ку!

— Владик, бир яхшилик қил, хотинимни вокзалгача элтиб қўй.

— Майли, ўзим ҳам ўша ёққа кетаяман, — ишонтирди Сорокин.

Аёлни юк машина кабинасига чиқаришди. Сорокин йўл-йўламай Воложанин ҳузурига кириб ўтиб, икковлон яшириб қўйилган гўлга (труба)ларни ортишди. Йўловчини тинчлантиришди:

— Хавотир олма, паровозга улгурамин. Молни бир кампирга ташлаб ўтамиз.

Кампирга «мол» мойдек ёқди, шекилли, ҳақиқа қўшимча бир шиша қўлбола ароқ тутқади. Мияси кайф таъсирига тушгач, Воложаниннида ёвуз ният ўйғонди.

— Қондан кейин ўрмон келади. Кел, уни ўша ерда...

— Эри ким билан кетганини билади-ку, — иккиланди Сорокин.

— Оббо, уни лақиллатишдан осони борми?

«ЗИЛ» катта тезликда йўлдан бурлиб, ўнқир-чўнқирларда чайқала бошлади.

— Қаёққа? — хушёр тортиди аёл. — Тўхтанглар!

— Ҳозир тезликни, мегажин, ҳозир тўхтаймиз, — хунук вишиллади Воложанин. Кейин дўстига бурюди. — Славик, қани бир айланиб кел-чи.

Оғайниси кабинадан чиқши билан эшикларни қулфлади.

Бахти қаро жувон унинг чангалидан қутулишга уринди. кучининг борича қаршилиқ кўрсатди. Кўтурган Воложанин кўли билан ўриндиқ остини титқилаб, ғилдирак калити (ключи)ни суғурди. Қоронғуда ҳам адашмади. Қўрбонининг бошига урарди ва урарди. Бўгаётганда аёл ўлиб бўлганди. Ҳайвоний Ҳирсини қондиргач, оғайнисини имлади. У ҳам мурдани таҳқирлагандан сўнг бурюди:

— Белкуракни ол.

Жасадни бузазорга судрашди. Ёрни қазиб, уни ётқизишди, шоша-пиша устига тупроқ ва шох-шабба ташлашди. «Иш»ларини битиришгач, ўлжани ҳисоб-китоб қилишга ўтишди. Сирга, арзон узук, кроссовка, деярли ҳеч вақосиз ҳамён. Бўлаверди.

— Элтиб қўйдиларингми?

— қайтиб келган танишларидан сўради Егоров.

— Кўрмайсанми, йўлда карбюратор «йўталиб» қолди. Ольгангни ўша томонга бораётган «Жигулига» ўтқазиб юбордик.

\*\*\*

Егоров ўзининг гумони ҳақида Логовойдаги уйда содир бўлган жиноятдан атиги икки кун кейин ариза берган. Сорокиннинг Логовойдаги ёвузликда иштирокини эшитгач бу одамда уйғонган шубҳа баттар алангалади. Кемерово ва березовскилик милиция опервакиллари, прокуратура ходимлари, суд-тубийёт экспертлари биринчи жиноний ишни силлиқ олиб боришди. Исот, иқроп ва далилларга эга бўлиш, уни мустаҳкамлашдан муҳимроқ вазифа йўқ. Мана энди эскиридан ҳам «енгилроқ» бўлмаган янги ташвиш — Ольга Егорованинг тахминий тақдирини қўшилди.

Тажрибали Таскаев бир дақиқага ҳам бўшашиш мумкин эмаслигини яқин биларди. Тутқинлар тизгинини хмёл бўш қўйсанг, ҳаммасининг пачаваси чиқди, деявер.

Сўроқ. Сўроқ. Сўроқ. Икки кун. Воложанин ҳўкиздай-қайсарлик билан билганидан қолмасди: карбюратор бузилди, сариқ «Жигулига» ўтқаздик. Сорокин ҳам «ёрилмаётган» бўлсада, оиласи, болалари борлигини эслади. Камерадагилардан ўзини нима кутаётгани ҳақида суринтиради.

Ниҳоят Таскаевга хабар беришди:

— Сорокин иқроп бўлгани ҳақидаги кўргазмага имзо чекди.

Дарҳол буйруқ берилди:

— Воложанин сўроққа! Сорокин кўргазмасини ўқиб бўлгач, Воложаниннинг туси ўзгара бошлади, тишларини гижиради. Лаблари аранг пичирлади:

— Қанжик... Осонликча жон бермайман...

Тўсатдан қаттиқ қичқирди:

— Исобтлай олмайсанлар! Сорокин сувдан қуруқ чиқмоқчи!

Таскаев Бабинин билан сўроқни дадил давом эттирди.

— Биз томонимиздан ўлдирилганларнинг буюмлари топилган. Сорокин икковнигиз уларни «Бирюлинск» шахтаси яқинидаги бузазорга яширгансиз. — Сергей Павлович сўроқ бераётганга диққат билан тикилди.

— У ерда бўлмаганман.

— Қанақасига? — ажабланда Таскаев. — «ЗИЛ»ингиз лойга ботиб қолганда, юк машинаси ҳайдовчисидан тортиб чиқаришни илтимос қилгансиз. Мана унинг кўргазмаси. Икковингиз машинада-лингизни эслаб қолган кишиларни ҳам аниқладик.

Воқеа содир бўлган жойда топилган ҳар бир майда-чуйда ҳам ҳўжжатлаштирилди, суратга туширилди. Мутахассислар эринмасдан далилий ашёларни йигдилар, изларни қайд этдилар. Воложанин ва Сорокин уларнинг олдига тушиб, «Глухая» саёхатчилар манзилгоҳида содир этилган жиноят вақтидаги ҳатти-ҳаракатларидан батафсил ҳикоя қилишарди. Автомобиль ғилдирагининг изи. Жасадни судраш чоғида хмёл эзгиланган ўт-ўланлар. Ва қабрдаги янги тупроқ уюми.

— Шу ерга кўмганмиз, — деди рангги бўздек оқарган Воложанин қабрни кўрсатаркан.

Сорокин оёғиде аранг турарди. Ольга кўмилган жой томон бир қадам ҳам ташлашга мажбли йўқ эди.

Тергов узоққа чўзилди. Унинг мўддати узайтиралаверди, чунки янги-янги гувоҳлар топилар, жиноятнинг қутипмаган қирралари юзга чиқарди. Бу ишда ҳафсаласизликка сира ўрин йўқ. Ҳўкуқ-тартибот идоралари ходимлари жавобгарлигининг ўлчови бениҳоя катта.

Суд бўлиб ўтди. У адолатли ва шафқатсиз ҳўкм чиқарди. Воложанин ўлимга, Сорокин эса 14 йил қамоқ жазосига ҳўкм қилинди.

Ҳўкм иқро этилди.

Кемерово вилояти.


Алишер шу йилнинг 11 январь куни ўзи яшайдиган Киров кўчасидаги уйдан шахсий «Жигули» автомашинасида чиқиб кетганича қайтиб келмади. Эртасига ҳам. Унинг оила аъзолари туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлишди.

Алишернинг қариндош-уруғлари, жигарлари ва ИИБ ходимлари учун ҳаяжонли, изтиробли кунлар бошланди. 13 январь куни жабрланувчининг автомашинаси бутунлай ёнган ҳолида Олтинсой туманидаги Карл Маркс номи жамоа хўжалиги ҳудудидан топилди.

Сурхондарё вилояти ИИБ жиноят қидирув бўлими бошлиғи ўринбосари милиция подполковниги Муҳаммади Бобоев бошчилигида оператив гуруҳ тузилди.

Олтинсой тумани ИИБ бошлиғи милиция майори Узоқ Қомиллов, Шўрчи тумани ИИБ ходимлари жиноят қидирув бўлими катта оператив вакили милиция майори Мадамин Исоқов, катта участка инспектори милиция капитани Чорин Шоймардонов, участка инспектори милиция катта лейтенанти Минтбой Абдурахмонов, участка инспектори милиция кичик лейтенанти Ориф Абдуллаев, туман прокуратураси терговчиси 1-даражали ҳуқуқчи Бобобек Давлатовлар бу гуруҳни ташкил этдилар.

24 январда Шўрчи туманидаги «Октябрь 30 йиллиги» жамоа хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтадиган Сурхон дарёсидан Алишер Қосимовнинг мурдаси топилди.



Жасадни текшириш жараёнида унинг боши ва орқа миясига ўқ отилгани, бўйни кесилгани ва қорни ёрилгани аниқланди.

Оператив гуруҳ олдида қотилни топиш муаммоси турарди. Кунлар кетидан ойлар ўтди. 2 март куни оператив маълумот олинди. Гумон қилинаётган шахс — ишлаш ва ўқиш жойининг тайини йўқ 22 ёшли Виктор Крупин ушлаб келинди. У вақтинча тумандаги Акром Шамкаев кўчасининг 4-уйи 18-хонадонда яшаб келган. Виктор дастлабки суҳбатдаёқ кимлар билан бу жиноятни содир этганини тани олди.

...Шўрчи туманидаги «Ленинизм» жамоа хўжалигида яшовчи Василий Хаитов ва шу тумандаги опасиникига меҳмонга келган ленинградлик Наил Олимбековлар унинг жонажон улфатлари экан. Василий муқаддам ўғирлиги ва безорилиги учун 2 марта судланган, 23 ёшни қоралаган. Наил эса 21 га кирди. Ленинграддаги 98-мажус хунар техника билим юртини ўтган йили тугатган. Ҳеч қаерда ишламайди.

Оғайнилари яхшигина ичишгандан сўнг антиқа бир фикрга келдилар. Сарносиё туманилик бир аёлнинг машина сотгани ҳақида хабарни эшитиб, уни тунамоқчи

бўладилар. Шу мақсадда Виктор ва Наил Алишер Қосимов ҳайдаб келаётган «ВАЗ-2106» белгилли А 1715 СД рақамли автомашинани тўхтатишади. Унга яхшигина ҳақ тўлашни ваъда қилиб, Сарносиёга бориб келишни сўрашади. Ҳайдовчи рози бўлади. «Ленинизм» жамоа хўжалигига келишганидан сўнг Крупин Василий Хаитовни чақириб учун машинадан тушади. Алишер хавф борлигини сезиб, бу ёғига бормаслигини айтади. Машинанинг орқа ўриндиғида ўтирган Наил бундан газабланиб Алишерга қарата ўқ узади. Икки улфат Василий ва Виктор югуриб келишади.

— Нима қилиб қўйдинг, аблаҳ! — дейди Василий.

— Кўриб турибсан-ку, нима қилганимни, — деб жавоб беради кўрслик билан Наил.

— Бўлди, бўлди. Ишнинг расвоси чиқди. Энди уни йўқотиш керак.

Учовлон ўлган ҳайдовчини «гум» қилиш мақсасида Сурхон дарёси қирғоғига олиб келишади. Ваҳшийлар кўнгли аллақачон ҳаёт бўла хайрлашган Алишернинг танасини тилка-пора қилиб лаззатланишни тусаб қолади.

Виктор билан Василий Алишернинг бўйинни кесадилар, сўнгра қорнини ёриб, сувга улоқтирадилар.

Изни йўқотиш мақсадида машинани Олтинсой туманида ёқиб юборадилар.

Ҳозир жиноятчиларнинг иккигаси ҳибсга олинган, биттаси — Наил қидирилмоқда.

Ҳабиб ШУКУР.

БОСИЛМАГАН МАКТУБЛАР ИЗИДАН

НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Муҳарририятимизга мактуб йўллаган Алишер Исоқов ва Ботир Мамажоновлар Тошкент алоқа олийгоҳининг сиртки бўлим толиблари эканлигини маълум қилишган эди. Улар Юнусобод даҳасида жойлашган бозорчадаги чойқовчилик, хусусан тамаки билан савдогарлик қилаётган Доно исмли аёл ҳақида ёзгандилар. Бундан ташқари шу ҳудудга бириктирилган участка вакилининг унга қарши ҳеч қандай чора кўрмаётганлиги таъкидланганди.

Биз ҳатда келтирилган далиллари текшириб, чора кўриш учун Тошкент шаҳар ИИБга юбордик.

Милиция бошқармаси ушбу сўров бўйича қуйидаги ишларни амалга оширганлигини бизга маълум қилди.

«1991 йилнинг январидан бери участка вакиллари Н. Соллоқкин ва М. Мамиевлар 11 кишини чойқовчилик учун ушлаб, ҳужжатларни судга оширганлар.

Шу жумладан, Д. Бобоева ҳам олибсотарлиги учун жарима солинган.

Тошкент шаҳар ИИБ ҳуқуқбузарлиқнинг олдини олиш бўлими ходимлари Киров тумани ИИБ ходимлари билан биргаликда бир неча бор ушбу бозорчада тадбир ўтказиб, 4 кишини чойқовчилик фаолияти учун жавобгарликка тортишган.

Ҳозирги пайтда бу бозорча назоратга олинди.

Ш. УМАРХОНОВ, Тошкент шаҳар ИИБ ҳуқуқбузарлиқнинг олдини олиш бўлими бошлиғи милиция подполковниги.

ЎТА СИРЛИ ОРОМГОҲНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Косонсойда Тешиктош деб аталмиш кўнгилонар гўша борлиги ҳаммага беш қўлдай аён. Лекин ўша гўшанинг энг юқорисидан жаннатмакон боғ борлигини, бу оромгоҳ авваллари танланган шахсларгагина хизмат қилганини ҳеч ким билмасди.

— Бу ерга фақат икки-уч кишигина келиб дам оларди, — деб хотирлайди кеча-ю кундуз шу боғни парвариш қилиб келаётган Эргаш ота Имомалиев. — Ҳозир уларнинг кимлигини айтиш шарт эмасдир. Шундоқ ҳам ҳаммага аён.

Бугун эса мен бу ерда ички ишлар соҳасида узоқ йиллар хизмат қилган, халқнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган фахрийларни учратдим. Улардан бири истеъфодаги ички хизмат полковниги Маматимин ота Содиковдир.

Бу киши инқилобдан кейинги Ўзбекистонни муҳолифлардан муҳофаза қилишда, жамоалаштириш ишларида, ундан кейинги таҳликали йилларда ҳақиқий милиция ходимига хос матонат кўрсатган. Айниқса, фарғоналикларнинг у кишига ҳурматлари баланд.

Маматимин ота 1942 йилда Бағдод тумани ИИБ бошлиғи бўлиб ишларди. Кунлардан бирида шу ердаги чойхона мудир кўчада иккита бола хушсиз ёганини айтиди. Маълум бўлишича, бу болалар фронт яқинидан поездда келтирилган, қандайдир сабаблар билан қаровсиз қолган, касаллик ва очликка дош беролмай жон таслим

қилган экан. Бу воқеа ИИБ бошлиғи юрагини ярамай қолмади. Шу кунгидея ички ишлар бўлими биносидан ана шундай болалар учун хона ажратилди ва жиҳозланди. Орадан икки-уч ой ўтгач, эвакуация қилинган элик нафарга яқин бола милиция бошлиғининг қаноти остидан паноҳ топди. Уша болалар бугунги кунда ҳаётдан ўз йўлини топган киши



лар бўлиб етишишди. Улар ҳозир ҳам Маматимин отани ардоқлашади.

Мана шуларни ўйлар эканман, бир ҳовуч шахсларга хизмат қилган оромгоҳ бугун Маматимин ота каби та



баррук кишилар билан янада серфайз кўринади кўзимга.

Неъматжон МАМАЖОНОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Наманган вилоят ички ишлар бош-

қармасининг собиқ бошлиғи ички хизмат полковниги Маматимин СОДИҚОВ ҳамisha эъзозда. 2. Тешиктошдаги оромгоҳда дам олаётган бир гуруҳ меҳнат фахрийлари.

БИЗГА ЕЗАДИЛАР

ҲОЙДАЛИ УЧРАШУВ

Жарқўрғон тумани Термиз шаҳридан 40 километр узоқликда жойлашган. Унда кишлоқ хўжалик, саноат ташкилотлари мавжуд. Ишловчиларнинг кўп қисми мамлакатимизнинг турли чеккаларидан келган, десак ёлғон бўлмас. Бундан ташқари Термиз чегара шаҳри ҳисоблангани туфайли четдан келганларнинг катта қисми Жарқўрғонда қолишади. Шу сабаб ушбу туманда жиноятчиликнинг ўсиши ҳам бошқа ҳудудларга нисбатан кўпроқ. Қонунбузарликни камайитириш мақсадида туман ИИБда уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашув ўтказилди. Унга тақлиф қилинган собиқ милиция ходимлари ўзларининг бой тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Маслаҳатлар беришди.

Учрашув ёш милиция ходимларининг қалтис вазиятларда ўзларини қандай тутишлари лозимлиги, тартиб, интизомга риоя этиш, хушёрлик, юксак маданийлик ҳақидаги қизгин баҳслар билан давом этди.

Уруш ва меҳнат фахрийлари бир овоздан қонунни янада кучайтириш зарурлигини, шундангина жиноятчилик камайиши мумкинлигини таъкидладилар.

Эшиқўмин НУКАРОВ, истеъфодаги милиция подполковниги.

Муҳаррир Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаханаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,

муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегияси МВД УзССР